

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

халқ мулки бўлади».

Ғ. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар
академиясининг мухбир
аъзоси, техника фанлари
доктори, профессор

Шуруби мамлакатларда

ЧИЛИ СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИНING СЪЕЗДИ ТАМОМ БЎЛДИ

САНТЬЯГО, (ТАСС). Чилининг Ла-Серена шаҳрида Чили Социалистик партиясининг XXIII съезди ўз ишларини ташкил қилди. Съезд 45 аъзо ва 10 наъзадан иборат составда партиянинг янги Марказий Комитетининг сайлади. Сенатор Карлос Альтамирано Социалистик партия Марказий Комитетининг бош секретари қилиб сайланди. Съезднинг ишида КПСС Марказий Комитетининг Сийосий бюроси аъзоларига кандидат Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги КПСС делегацияси қатнашди.


«ЖАҲОН ШОИРЛАРИ» ЛЕНИНГА

БЕЛГРАД, (ТАСС). Белграддаги китоб магазинларида янги китоб сотила бошланди. Китоб В. И. Ленин тугʻилган кунининг юз йиллиги муносабати билан Белград нашриёти томонидан чоп қилинди. Унда катта бўлмаган ҳажмдаги китобда таниқли сиёсий ва давлат арбобларининг, олимларнинг, жаҳон шоирлари ва ёзувчиларининг Ленин ҳақидаги эсдаликларидан сатрлар, унинг ҳақидаги фикрлар, шеърлари тўпланган.

Китоб «Жаҳон шоирлари — Ленинга» деб аталади. Унинг саҳифаларида Максим Горький, Роман Роллан, Хо Ши Мин, Сун Ят-сен, Н. К. Крупская, Клара Цеткин, Жон Рид, Теодор Драйзер, Пабло Неруда, А. В. Луначарский, Владимир Маяковскийнинг, шунингдек асримизнинг неча ўнлаб атоқли юшларининг овозлари янграйд.

«Жаҳон шоирлари — Ленинга» тўплами югославиялик адиб М. Жеркович катта меҳнатининг яқинидир.

Тўпламга кириш сўзини совет шоири Роберт Рождественский ёзган.



ЧССР. Бир ярим миллиондан зиёдроқ аҳолиси бўлган кўча на Прага ўзининг эски чегараларидан анча кенгайиб кетди. Шаҳарга туташиб кетган Петришова, Ирч, Панора, Червене Врх ва бошқа кўчага районларда янги уй-жой қуришлари фойдаланишга топширилди. Суратда: Лутка районидаги янги турар жойлар. В. Соболев фотоси. (ТАСС).



ЯПОНИЯ КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТОКИО, (ТАСС). Бу ерда Япония Компартияси Марказий Комитетининг пленуми очилди. «Акаха-та» газетасининг хабар беришича, пленум маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ва Япония парламенти маслаҳатчилар палатасига ўтказиладиган сийдов муносабати билан партиянинг вазифаларини муҳофиз қилади. Пленумнинг ишида Япония Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва Марказий Комитет аъзоларига кандидатлар, Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, партия префектура комитетларининг раислари қатнашмоқда.

ЛОС-АНЖЕЛЕС КЎЧАЛАРИДА ҚОН ТЎКИЛДИ

НЬЮ-ПОРК, (ТАСС). Лос-Анжелесда полиция репрессияларига қарши норозилик намоийши ўтказилди. Лос-Анжелесда ва унинг атрофидаги районларда янги Мексика миллатига мансуб америкаликлардан беш миңдан ортиқ киши шаҳар кўчаларидан ўтиб, шундан кейин улар митингга тўпланишди. Мексика миллатига мансуб америкаликлар симавий йигилди ва намоийшлар ўтказганида полиция ҳар сафар уларга қарши куч ва ҳатто нуқулдан фойдаланганлиги, одамларни қамолқа олаётганлиги муносабати билан митинг қатнашчилари норозилик билдирдилар. Уларнинг урққларидан уч киши полиция террори қурбони бўлди. Булар «тартиб секционлар»нинг ўқидан ҳалок бўлдилар. Яншаба кўчи Лос-Анжелес кўчалари яна қонга беланди. Намоийшчиларнинг полиция билан тўқнашувлари натижасида бир киши ўлди ва бир неча киши ярадор бўлди.

ХАР ТЎҒРИДА

Юлий Цезарь ҳақида ишланган янги фильм рекламаси учун Қўшма Штатларда Абраам Линкольн, Жон Кеннеди, Роберт Кеннеди ва Мартин Лютер Кинг портретлари солинган плакат қўйилди. Плакатда ҳанжар чикаб турган катта қўл ҳам тасвирланган. Шу расмининг тагида: «Суратдаги тўрт америкаликнинг қотили Юлий Цезаринг ўлдирган фитначиларга нисбатан унча катта соткин ёки талба эмасди», деб ёзилган.


КЕЧИКИШДИ

Солиқ идораси инглиз тарихчиси Самуэл Лепидсдан ўз даромадлари тўғрисида ҳужжат кўрсатишни талаб қилди. Лепидснинг наشري маъмуриларга қўйиладиган жавоб юборди: 1665 йилда Лондонда юз берган ёнғин ва ўлат тўғрисида.

ТОПСИННИНГ ФАНГА ХИССАСИ

Америкалик миллионер Уильям Грив ўзининг севимли мушуги Топсига 400000 доллар мерос қолдирган эди. Унинг васиятга биноан Топсининг ўлимидан кейин қолган пуллар Жорж Вашингтон номидаги университетга фойдаланишга топширилиши керак эди. Яқинда Топси ҳалок бўлди. Қолган 376000 доллар университетга ўтказилди. Ана шу олий ўқув юртининг ишлар бошқарувчиси бу ҳақда ахборот бераркан: «Яхшиямки Топси фил эмас, мушук экан. Филлар анча узоқ яшайди ва анча кўпроқ овқат ейди», деди.

(«Новое время»дан).



АНГИЛИЯ. Корнуэллнинг манзарали соҳилларида — Нанс-ионда химия корхонаси борлиги Англия жамоатчилигида жиддий ташвиш тугдирди. Бу ерда захарловчи химиявий моддалар ишлаб чиқарилиши маълум бўлиб қолди. Англия маъмуриятининг тан олишича полиция йўлларидан «захар» — «СИ-3С» газ шў ерда тайёрланади. Суратда: Нанс-иондаги захарли моддалар ишлаб чиқарувчи корхона. ТАСС фотохроникаси.

СЕМЕДО ОИЛАСИНИНГ ФОЖИАСИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Иш ва тирикчилик учун лон қидириб Испаниядан келган 48 яшар Марио Семеда деган испан ишчиси 41 яшар хотинини, уч боласини: 13 яшар Николайни, 12 яшар Арлетни ва 10 яшар Пауло-ни ярим кечада болта билан чопчи ташлади. Сунгра ўзига беизин қўйиб ўт қақиб юборди ва бутун оиласи ва ўзи яшаб турган барак билан бирга ёниб кул бўлди.

Испаниядаги «Абс» газетаси Франциянинг кичикроқ бир қишлоғида рўй берган шу фожиа тўғрисида босиб чиқарган хабарига оила бошлигини мана шундай жиноят қилишга мажбур этган сабабларни ҳаётто топишга ҳам уринмаган. «У ақлдан озган ҳолатда эди» деб ёзади газетда. Фожиа тўғрисидаги хабарда бунинг сабаби ҳақида фақат шундай дейилган, ҳоло. Аммо чуқуროқ ўйлаб қўрилса, бу фожиянинг сабабини, аввало, Гарбиня Европанинг турли мамлакатларида ишлаб турган минг-минглаб чет эл ишчиларининг номлози оғир аҳволда қолганлигидан қидирмоқ керак.

3 миллион 80 миң нафарга яқин испанлар ва 70 миң нафардан кўпроқ португалияликлар ўз ватанидан узоқда дарбадар бўлиб юрибди. Минг-минглаб бу мухожирлар қўпинча иш топмай, ифлос ва зах баракларда яши ва уч оила бир бўлиб яшаб, сувёиз, газёиз ва электрисиз доимий муҳтожликда ҳаёт кечириб ўзларини ва ўз оила аъзоларини ўлдиринишдан бошқа йўл топмайди мана шундай серкулфат дунё билан ғайилошмоқдалар.

ДАБДАБАЛИ ПРОГРАММАЛАР

БАРБОД БЎЛДИ

ВАШИНГТОН, (ТАСС). АҚШ меҳнат министрлигининг меҳнат статистика бюроси мамлакатда 1970 йилда қимматчилик ошиб бораётганлиги тўғрисида эълон қилган йилга доклатда миллион-миллион америкаликларнинг турмуш шароити янада ёмонлашиб бораётганлигини кўрсатувчи фактларни аниқли равишида ақулаб берди.

Бутун йил давомида ҳеч бир чекланмаган ҳолда авж олаверган инфляция натижасида 1970 йилда қимматчилик 5,5 процент ошди. Медицина хизмати кўрсатиш (7,4 процент), жамоат транспорт (15,2 процент), уй-жой (10,3 процент), кўрсатиладиган турли хизматлар (8,2 процент) тўланадиган ҳақ айниқса жуда кўтарилиб кетди. Миллион-миллион меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи 1968 йилдаги нисбатан 3,3 процент пасайди.

Бир вақтлар Никсон ҳукумати 1970 йилда қимматчиликни 4 процентдан нари оширмасликка маҳкам бел боғлаганлигини айтган эди. Меҳнат министрлиги эълон қилган маълумотлар ҳозирги Америка эконоимиксининг ҳануз асосий омил бўлиб қолаётган инфляцияни «иктловлаб қўйишга» қаратилган дабдабали программаси барбод бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГҲН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 13.05 — Янгилар, 13.15 — Музокали учрашувлар, 13.45 — Телеклуб, 14.25 — Янгилар, 16.25 — ТОШКЕНТ, 18.30 — «Юлдузча», 19.10 — «АХБОРОТ», 19.20 — «ФОШ ЭТИШ» (бадий фильм), Ўзбек тилида: 20.45 — «АХБОРОТ», 21.00 — Ёш ижроачилар концерти, 21.40 — Ўзбек телеклубларининг социалистик мамбуриятлари, 22.00 — Янгилар, 22.10 — «Қилич ва қалъон» (бадий фильмнинг 3-серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Ёшлар учун кўрсатув, 18.40 — Телефильм, 20.00 — МОСКВА, 20.05 — Янгилар, 20.15 — «Арғимчоқ», 21.00 — Янгилар, 21.05 — Совет республикалари фестивали. КИРГИЗИСТОН ССР, 22.30 — Социализм дунёси, 23.00 — Цирк томошалари.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ, «Томошар бошланади», 20.50 — Телеспектакль, 21.45 — Валентин Катаев ҳажвлари.

ТЕАТР

МУКМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/II да Қалам қошиқини, 4/II да Қумуш тўй, 5/II да Жон қизлар.

КИНО

Бонивур қалби (2-серия) — САЎҒАТ САРОНИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да).

Севги нафосати — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кеч-курун), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11.45, кундуз 5, кеч 6.45 минутда).

Яшил халқачалар — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кеч-курун), Йўлдош хоним — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч-курун).

Директор (2-серия) — «ЧАНКА» (кундуз соат 1-ярим ва кеч 8 да), Сайха (2-серия) — НАВОНИ номан (Ўзбек тилида, кундуз соат 2 ва 4.40 минутда).

АВТОМАШИНА ЭЪЛАРИ ДИҚҚАТГА!

ТОШКЕНТДАГИ 9-ШИНАРЕМОНТ ЗАВОДИГА

670-15, М-21 тилдаги автомобилларни 1 январьга таъмирлаган ҳама автомобиллар эълон қилиниб бўлган.

ШИНАЛАРНИ

Эълон чиққан нундан бошлаб бир ой ичнда

ОЛИШЛАРИ ШАРТ

Ўз вақтида олилмаган шиналар реализация қилинади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг «ЎЗРЕМОНТА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ қўйидаги адресларда ҳар хил тип ва размердаги автомобиль шиналарини чекланмаган миқдорда

ТУЗАТИБ БЕРАДИ

9-шинаремонти заводи — Тошкент шаҳар, Давобоев кўчаси, 53-й; 12-шинаремонти заводи — Самарканд шаҳри; 11-шинаремонти заводи — Урганч шаҳри, Халқинский кўчаси, 95-й.

«Таштрансспецстрой» трестининг 40-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

1 ФЕВРАЛДА ТУГАТИЛДИ

Давобоев 25 февралга қабул қилинади.